



"Якинда тонг сахарда Малайзиялик дўстим кўнгирок килиб колди. Рамазон тугаши билан Лондонга бормокчиман. У ерда бирон халол меҳмонхона борми, деб сўраб колди" - ёзади журналист Навед Ахтар - "Лондондаги дўстларимдан сўраб-суриштиридим, интернетни изладим, аммо бирон халол меҳмонхона топа олмадим".

Навед кейин гўштсиз овкат тайёрланадиган ёвгонхўр меҳмонхона топади. Бирок унинг такводор дўсти Ислом шартларини хурмат киладиган - халол таом пишириладиган, алколгол сотилмайдиган ва муслималар ўзларини бемалол хис килишлари учун барча шароит яратилган меҳмонхона изларди.

"Менинг бу дўстим дунёда тобора сони ошиб бораётган мусулмонлардан бири" - давом этади Навед Ахтар - "У катта шахарда яшайди, олий маълумотли, дунё кезган ва кўплаб мамлакатларда кариндошлари бор. Бирок барчалари Ислом дини ахкомлари ва шартларини хурмат киладиган жойларга боришни исташади".

Бу хали хамир учидан патир... Дунё бўйлаб мусулмонлар сони хозир кариб 2 миллиардга якинлашиб колди. 2025 йилга бориб эса дунёдаги хар учинчи инсон мусулмон бўлади.

Кўплаб мусулмон ўлкаларида ўрта табака ва пулдорлар сони ошиши билан улар саёҳат хамда харид учун сарфлаётган пул микдори хам кўпаймоқда.

АҚШдаги Dinar Standard ширкати олиб борган тадқикотларга кўра, 2011 йил давомида дунё бўйлаб саёҳат килган мусулмонлар камида 125 миллиард АҚШ доллари сарфлашган. Бу ракам эса вакт сайин ўсиб бораверади.

## **Халол атири ва чиннилар**

Аксар мусулмонлар хамон Миср, Туркия ва Малайзия каби Исломий мамлакатларга саёҳат килишни афзал билишмоқда. Сабаби - бу ерларда мусулмонлар талаб-эхтиёжи инобатга олинади. Бирок Австралия каби ноисломий мамлакатлар хам ўзгараётган вокеликни илгаб, ўз тижоратларини мусулмонлар эхтиёжларига мослай бошлашган. Маълум бўлишича, мусулмонлар одатда катта оила бўлиб саёҳат килишади ва борган жойларида узок муддат колишади. Хуллас, хеч бир тижорат бундайин фойдали саёҳлар эхтиёжини назардан кочира олмайди.

Сўнгги пайтлари нафакат халол таомлар, балки бошка халол маҳсулотлар ишлаб чиқариш хам кўпаймоқда. Масалан, алкоголсиз атиrlар ва тиш пасталари, халол

чиннилар ва ёки кир ювиш кукунлари шулар жумласидан.

Малайзия ва Туркия каби етакчи мусулмон ўлкаларида алалкачон беш юлдузли, Хилол шакли туширилган маҳсус курорт меҳмонхоналар очилган. Мазкур оромгохларда бутунлай мусулмонлар эҳтиёжларига мос дам олиш ташкиллаштирилган.

Кўм-кўк денгизга караган ва сўлим боглар ичидаги оромгохларда муслималар хам, оиласлари хам ўзларини бемалол хис килишлари учун шароит мухайё. Хар хонада Куръони Карим, биноларда Маккаю Мукаррамани кўрсатувчи белгилар, емакхоналарда факат халол таом тортилади ва умуман алкогол ичилмайди.

Оиласлар колувчи виллалар эса ўз чўмилиш хавзасига эга. Унга номахрамнинг кўзи тушмайди. Оромгохда масжидлар бор ва кўнгилочар дастурларда очик-сочик ё шахвоний фильмлар намойиш этилмайди.

Рамазон ойи давомида эрталаб оғиз ёпиладиган вактда хам, кечки ифторлик маҳалида хам маҳсус буфетлар очилади.

Келажакда эса дунё бўйлаб мусулмонлар эҳтиёжига мос тижоратлар факат кўпайиши кутилади. Чунки тадқикотларга кўра, хар ўнтадан тўккизта мусулмон бирон нарса харид килганида, албатта, Ислом коидаларига караб иш тутаркан.

Халол маҳсулотлар бозори эса хозир йилига 2 триллион долларга етган. Бу ракам эса жадал ўсмокда.

Манба: Би-Би-Си